


Кембриж масжиди меъморий мукофотга номзод қилиб кўрсатилди



09:15 / 15.10.2021 1484

Турк матбуоти хабарига кўра, Кембриж марказий масжиди Буюк Британиянинг энг обрўли архитектура мукофоти «RIBA Stirling»га номзод қилиб кўрсатилди.

Кембриж марказий масжиди, Туркиянинг Диёнат жамғармаси кўмагида Англиянинг Кембриж шаҳрида қурилган Европадаги биринчи экологик тоза масжид сифатида танилган. Британиянинг Стерлинг шаҳридаги энг обрўли архитектура мукофоти RIBA яъни, Британия архитекторлар институти номзодидир. Кембриж марказий масжидининг расмий твиттерига эълонида, бу масжид биринчи марта номзодлар рўйхатида киритилгани айтилган.

Архитектура соҳасида Англиянинг энг юксак шарафи бўлган Стерлингда номзодлар халқ овози билан кўрсатилди. Оммавий овоз бериш натижалари 13 октябр куни эълон қилинди. Бироқ, умумий овоз бериш йўли билан ўтказиладиган сайловлар мукофотни оладиган ишни танлашга таъсир қилмайди. Бу йилги танлов ғолибларининг натижалари ҳакамлар ҳайъати қарорига кўра, 14 октябр пайшанба куни расман эълон қилинади.